

## Таваккул ҳақида келган ҳадиси шарифлардан намуналар



21:57 / 09.04.2018 3656

*Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Менинг умматимдан етмиш минги жаннатга ҳисобсиз кирурлар. Улар дам солишни талаб қилмайдиганлар, шумланмайдиганлар ва Роббларига таваккул қиладиганлар», дедилар».**

*Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.*

Демак, жаннатга ҳисобсиз кирадиганлардан бўлиш учун учта сифатга эга бўлиш керак экан:

- а) «дам солишни талаб қилмайдиган»,
- б) «шумланмайдиган»,
- в) «Роббларига таваккул қиладиган» – ҳамма нарсада фақат Аллоҳ таологагина суянадиган.

Мана шу уч сифатни ўзида мужассам қилган киши жаннатга ҳисобсиз кирадиган етмиш минг киши ичида бўлар экан.

*Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганингизда, оч кетиб, тўқ қайтадиган қушдек ризқланган бўлур эдингиз», дедилар».**

*Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.*

Бу ҳадиси шарифда агар бандалар Аллоҳ таолога ҳақиқий таваккул қилсалар – суянсалар, уларга худди ҳеч қандай жамғармага эга бўлмаган қушларга керак бўлган пайтда керакли ризқ берилгани каби ризқ берилиши ҳақида сўз кетмоқда.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, эрталаб уйғонган қуш қорни ичига қапишган ҳолда бўлади. Шу билан бирга, унинг ҳеч қандай жамғармаси ҳам, кўзга олиб қўйган ризқ манбаи ҳам бўлмайди. Аммо у ризқ топиш мақсадида уясидан чиқади. Маълум вақт ўтгандан кейин қарасангиз, қорни қаппайиб қайтиб келаётган бўлади.

Агар бандалар Аллоҳ таолога ҳақиқий таваккул қилсалар, уларга ҳам Унинг Ўзи ғайбдан ризқ бериши турган гап. Фақат қуш уясидан чиқиб, ўз ризқини топишга ҳаракат қилганидек, бандалар ҳам керакли ҳаракатни қилишлари керак. Ҳатто қушлар ва қурт-қумурсқалар ҳам ўзлари ҳаракат қилмасалар, Аллоҳ таоло уларнинг ризқларини ётган жойларига олиб келиб бермайди.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Бир киши:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, (уловимни) тушовлаб туриб таваккул қилайми ёки қўйвориб таваккул қилайми?» деди. Бас, у зот:**

**«Уни тушовлаб туриб, кейин таваккул қил», дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Бу ҳадиси шарифдан таваккул қилиш билан бирга, сабаб бўладиган ишларни ҳам пухта равишда олиб бориш лозимлиги келиб чиқади. Чунки таваккул қалб иши, бу нарса банданинг қалбига, нияти ва эътиқодига

боғлиқ амал. Воқеликдаги ишларнинг юзага келиши эса Аллоҳ таоло томонидан жисмга ва унинг аъзоларининг амалига боғлиқ қилинган.

*Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Яман аҳли ҳажга озуқа олмай келишар, «Биз таваккул қилувчилармиз», дейишар эди. Маккага келгандан сўнг одамлардан тиланчилик қилишга тушишарди. Бас, Аллоҳ таоло «Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир»ни нозил қилди».**

*Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.*

Бошқа бир ривоятда айтилишича, яманликлар: «Аллоҳнинг уйини ҳаж қиламиз-у, бизни оч қўярмиди», дейишар экан. Бу ҳол ҳар бир нарсага тайёргарлик кўриб юришга буюрадиган Ислом таълимотига хилофдир. Шу билан бирга, бу иш ҳаж амалини Аллоҳга миннат қилишга киради. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳам руҳий, ҳам моддий озуқа билан озуқаланиб олишга амр қилмоқда. Шу билан бирга, ҳақиқий озуқа маънавий озуқа бўлиб, бу тақво эканини яна бир бор эслатиб қўймоқда.

**Таваккулнинг фойдаларидан:**

1. Таваккул иймоннинг камолидандир.
2. Таваккул Исломнинг гўзаллигидир.
3. Таваккул шайтондан муҳофаза қилувчидир.
4. Таваккул ёмон одамлардан муҳофаза қилувчидир.
5. Таваккул шариат чегарасида туришдир.
6. Таваккул ҳаромга юрмасликдир.
7. Таваккул одамлар билан талашишни тарк қилишдир.
8. Таваккул одамлар қўлидаги нарсага тама қилишдан сақлайди.
9. Таваккул хотиржамликдир.
10. Таваккул барқарорликдир.
11. Таваккул Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилишни рўёбга чиқаради.
12. Таваккул Аллоҳ таолонинг ризосини юзага чиқаради.

13. Таваккул банданинг қийинчиликлардан чиқишига ёрдам беради.
14. Таваккул ёмонликларга каффоротдир.
15. Таваккул ўз эгасини жаннатда набийлар билан бирга бўлишга тайёрлайди.
16. Таваккул ризқ кенгчилиги сабабларидан биридир.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Руҳий тарбия китобидан)*